

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА № 11-12 (1242-1243) 2020 ЙИЛ 19 МАРТ



ТАЙИНЛОВ

Сахи Сапармухамедович Аннакличев "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бошқаруви Раиси этиб тайинланди.

С.Аннакличев бунга қадар "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ Бошқаруви Раиси биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритган.

Finance.uz



МАХСУС СОҲ

"МИКРОКРЕДИТБАНК" АТБ ГЕРМАНИЯНИНГ ЖАМҒАРМА КАССАЛАРИ ФОНДИ БИЛАН КЕЛИШУВ ИМЗОЛАДИ

Яқинда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг конференциялар залида Жамғарма кассалари фонди ҳамда "Микрокредитбанк"нинг Айланма кредит фондини шакллантириш тўғрисидаги келишувини расмий имзолаш маросими бўлиб ўтди. Германия томонидан "Микрокредитбанк"ка мазкур лойиҳа доирасида 65 000 евро миқдорида капитал улуш тақдим этилди, "Микрокредитбанк"эса 50 000 евро (Ўзбекистон сўми эквивалентида) улуш қўшди ва фонд капиталида 115 000 евро маблағ шакллантирилди.

Учрашувда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг би-



ринчи ўринбосари А.Жумабоев, Германия Федерацияси Жамғарма кассалари фондининг Ўзбекистондаги раҳбари М.Ванглер, "Микрокредитбанк" масъуллари, шунингдек, бошқа кўплаб ташкилот вакиллари иштирок этди. Маросим доирасида Жамғарма кассалари фонди ҳамда "Микрокредитбанк" ўртасида Айланма кредит фондини шакллантиришга қаратилган битим имзоланди.

Қайд этиш жоизки, Германия Федерацияси Жамғарма кассалари фондининг мутахассиси иштирокида 2019 йил декабрь ойида "Микрокредитбанк", "Халқ банки" ва "Агробанк" иштирокида семинар ташкиллаштирилган эди. Эндиликда фонд капиталида шакллантирилган маблағлар айланма шаклда ёш фермерларнинг фаолиятларини бошлашлари учун бир қатор кичик кредитлар берилишига сарфланади. Бу орқали фермер ҳужаликларининг ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилади.

Банк Ахборот хизмати

БАҲОР КЕЛДИ БИЗНИ СЎРОҚЛАБ...



ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРМОҚДА



“Сайёрамизнинг эртанги кун, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намойён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат”.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев.**

Давлатимиз раҳбари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида айтилган ушбу сўзлар нафақат мамлакатимиз балки жаҳон ҳамжамияти эътиборини кечиктириб бўлмас ёшлар масаласига қаратиб, ўғил-қизларнинг интеллектуал жиҳатдан мукамал вояга етиши, соғлом фикр ва эзгу ғоялар атрофида бирлашишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда ривожланишнинг бутунлай янги кўриниши, том маънода тарихий қадамлари кўйилмоқда. Ҳар бир соҳада ўзгаришлар, ҳар бир йўналишда янги вазифалар белгиламоқда. Ўзбекистонни жаҳонга олиб чиқиш, иқтисодий ва маданий ривожлантириб, халқ розилигини олишда эса давлатимиз раҳбари шижоатли, меҳнаткаш ва истеъдодли ёшларга таянишларини айтмоқдалар. Бунинг учун эса ёшлар билан мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш, қийнаётган муаммоларини тинглаш, ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш зарурдир.

Умумий ишчи ходимлар-

нинг 30 фоизини ёшлар ташкил этувчи Туронбанк раҳбарияти айни шу жиҳатларни инobatга олган ҳолда, тизимда фаолият олиб бораётган ўғил - қизлар билан очиқ мулоқот ва ўқув – семинарлари ўтказишни яхши анъанага айлантирди. Унда шахсан банк раҳбариятининг иштирок этиши эса мавжуд масалаларни жойида ҳал этишга, янги ғоя ва таклифларни банк фаолиятида тезда жорий этишга яқиндан қўмақлашмоқда.

Шундай учрашувларнинг навбатдагиси 2020 йилнинг 5 март санасида Туронбанкнинг Мирзо Улугбек филиалида бўлиб ўтди. Унда банк раҳбарияти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши вакиллари ва молия муассасасининг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган бўлинмаларида меҳнат қилаётган 50 нафардан зиёд ёш ходимлар иштирок этишди.

Очиқ мулоқотда иштирокчилар давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда истеъдодли ёшларга яратиб берилётган имкониятлар, хусусан, банк-молия соҳасига

етук кадрларни жалб қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, фаолиятда мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича таклифларни муҳокама этишди. Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда беш ташаббус доирасида банкда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

раҳбарияти интеллекта сармоя киритишни энг олий вазифа сифатида белгиланган. Бунга мисол қилиб, ҳар йили билимли ёшларнинг нуфузли олийгоҳларга қабул қилиниши ва хорижий сафарларда ўз тажрибаларини орттиришларини келтиришимиз мумкин. Биргина ўтган 2019 йилнинг ўзида 400 нафарга яқин ёш ходимлар Ўзбеки-



Шу билан бирга, иштирокчилар жорий йилнинг 24 январь санасида Президентимизнинг Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномасининг мазмун – моҳиятини ўрганишди. Унда давлатимиз раҳбари томонидан ўғил – қизларимиз ташаббусларини қўллаб – қувватлаш бўйича илгари сурилган қатор саъй-ҳаракатлар, таклифлар муҳокама этилиб, ушбу вазифаларни бажаришда банк ёшларининг ўрни муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Қизгин савол – жавобларга бой ўтган тадбирда ёшлар банк тизимини ривожлантириш, хусусан, янги хизматларни жорий этиш, иш фаолиятида қўлланилаётган рақамли технологияларни такомиллаштириш, масофавий хизматлар турини янада кўпайтириш бўйича ўз таклифларини тақдим этишди.

Айтиш керак, Туронбанк

Тон Банклари Ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси, Банк – молия академияси, Минтақавий банк ўқув марказларида ўз билимларини мустаҳкамлашган. Яна 12 нафари эса Жанубий Корея, Чехия, Хитой, Белорус, Италия, Малайзия каби хорижий давлатларда малакаларини ошириб келганлар.

Бир сўз билан айтганда, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва сергайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир. Бу жараёнда Туронбанк масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда муносиб иштирок этиб келмоқда.

Банк Аxbорот хизмати

Яқинда “Умумжаҳон пул ҳафталиги” (Global Money Week) доирасида ёшларнинг молиявий саводхонлигини ошириш кампанияси иштирокчиси сифатида қатнашаётган “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Бош офиси ва “Дархон” филиали ҳамкорлигида, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек туманидаги 112-ва 225-сонли ўрта мактабларида ўқувчиларнинг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича иншолатанови бўлиб ўтди.

МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК АСОСЛАРИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Танлов уч йўналиш бўйича ташкил этилиб, 4-5 синф ўқувчилари “Пулни қандай ва нима учун жамғараман?”, 6-8 синф ўқувчилари “Қандай қилиб миллионер бўлиш мумкин?”, 9-11 синф ўқувчилари учун “Банк 2040: у қандай бўлиши керак?”, мавзуларида иншо ёзишлари ва ҳар бир йўналишдан битта энг креатив ёндашувга эга бўлган “Иншо” ёзган ўқувчилар, кейинги босқичга ўтиши тушунтириб ўтилди.

Танловда ҳар бир мактабнинг 4-11 синфларидан жами 60 та ўқувчи иштирок этди.

225-сонли ўрта мактаб директори Гўзал Шоисломова “Умумжаҳон пул ҳафталиги” (Global Money Week) ёшларнинг молиявий саводхонлигини ошириш кампанияси бўйича ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:

– Бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши ўқувчи ёшларимизнинг молиявий саводхонлигини ошириш билан бирга, шахсий молиявий ҳафсизлигини таъминлашга, пулни самарали бошқаришга, шахсий бюджет маблағларини бошқариш каби кўникмаларини шакллантиришга, молиявий лойиҳаларини ишлаб чиқишда инновацион ғоялар яратишга, бу соҳадаги назарий билим ва амалий кўникмалари келажақда молиявий саводхон инсон бўлиб вояга етишларига ҳамда молиявий режалаштириш бўйича асосий билимларга эга бўлишлари учун замин яратди.

Ёш авлоднинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган бу каби тадбирлар Қарши ва Жиззах шаҳарларида давом этади.
Сабоҳат ХАЙТКАРИЕВА



МАРКАЗИЙ БАНК КРЕДИТЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ ДАВР БЕРИЛИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛМОҚДА

Коронавирус инфекциясининг тарқалиши оқибатида вужудга келиши мумкин бўлган кредит рисклари таъсирини юмшатиш чоралари юзасидан Марказий банк тадбиркорлик субъектларида кредитларни қайтариш билан боғлиқ салбий оқибатларни юмшатиш мақсадида барча тижорат банкларига:

- коронавирус инфекциясининг тарқалиши оқибатида пул оқимларининг камайиши юз берган ва лойиҳаларни ишга тушириш мuddатлари кечикаётган корхоналар, шу жумладан, туризм ва халқаро юк ташиш соҳалари, асосий контрагентлари коронавирус инфекцияси энг кўп тарқалган давлатларда жойлашган корхоналар ҳамда Ўзбекистонда коронавирус профилактикаси



чора-тадбирларининг амалга оширилиши бевоқиф фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган корхоналарга ажратилган кредитларни қайтариш имкониятларини тўлиқ ва пухта ўрганиш;

- ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, мижозларнинг реал пул оқимлари ва имкониятлари ҳамда лойиҳаларни ишга туширишнинг кутилаётган мuddатларидан келиб чиқиб, кредитнинг асосий қарзини қайтариш бўйича 2020 йил 1 октябрга қадар имтиёзли давр бериш ҳамда якуний тўловлар мuddатларини берилган имтиёзли даврга мос равишда узайтириш юзасидан кредит шартнома кўрсатмаларига ўзгартириш киритиш масаласини кўриб чиқиш тавсия қилинади.

Бунда тижорат банкларига юқоридаги тавсияларга асосан шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар сифатининг таснифини ўзгартирмаслик ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати

ЭЪЛОН

“SARMOYA-MADAD” MASЪULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Рўйхатга олиш рақами: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2008 йил 6 мартдаги 1- сонли лицензияси.

Юридик манзили: 100139, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси, 56 уй.

БАЛАНС ҲИСОБОТ

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқаралар бўйича фоизли даромадлар	4 904 921
160	44700+44900	Бошқа фоизли даромадлар	0
170		Жами фоизли даромадлар (110+120+160)	4 904 921
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредитдорларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
240	54400	Лизинг (микролизинг) бўйича фоизли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фоизли харажатлар	0
260		Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250)	0
310		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)	4 904 921
320	56802+56842	Минус: Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	4 904 921
		4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликтан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	1 818 568
450		Жами фоизсиз даромадлар (410+440)	1 818 568
		5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	69 041
520	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	2 217
530		Жами фоизсиз харажатлар (510+520)	71 258
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)	6 652 230
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	56100	Ходимлар иш хақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	513 826
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	54 799
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	46 283
750	56500	Репрезентация ва хайрия	7 602
760	56600	Эскириш харажатлари	69 238
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	20 550
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	712 298
800	56800-56802-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	5 939 932
		10. ФОЙДА СОЛИГИ	
1000	56902	Фойда солигини баҳолаш	713 706
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	5 226 226
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдага бЎлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+-1110)	5 226 226

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	40 673
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	167 454
30	16300	Олинishi лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	283 375
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	5 673 280
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	0
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	5 673 280
70	16500	Асосий воситалар, соф	160 660
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16799	а. Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	347 901
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	6 673 342
		МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	
		МАЖБУРИЯТЛАР	
210	21400+21600	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	0
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фоизлар	0
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	0
250	22800	Мuddати узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	8
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	8
		КАПИТАЛ	
310	30301	Устав капитали	2 000 000
320	30903	Умумий захира фонди	300 000
330	30905	Текинга олинган мулклар	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	77 109
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	-19 496
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	2 357 613
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	2 357 613

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
100	Ўтган йил охирига тузатишларга бЎлган капитал (30000)	Ўтган йилдаги капитал	7 110 418
300		Тузатишлардан сўнг ўтган йилдаги капитал (100 + 200)	7 110 418
400	Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (1200 код)	Йил бошидан соф фойда (зарар)	5 226 226
800	30908-30908 (йил бошидаги)	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	19 496
1000	Дт 31203, Кт ****	МИНУС: ўтган йил фойдасининг тақсимланган қисми	4 752 805
1100	Дт 31206, Кт 29807 ёки 30301	МИНУС: жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлар	930 000
1300		Жами капитал (300+400+500+600+700+800+1200-1000-1100)	6 673 335

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 18 февралдаги Аф № 00202-рақамли лицензиясига эга) "FTF-LEA-AUDIT" МЧЖ томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот ташкилот ҳисоботининг 2019 йил 31 декабр ҳолати бўйича тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик ҳулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

ЁШЛАР БИЛАН НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ



Айни дамда турли даражадаги раҳбарлар ўзи бошқараётган тизимда фаолият олиб бораётган ёшлар билан учрашувлар ташкил қилмоқда. Уларнинг таклифлари, фикрлари, муаммо ва ташвишлари билан шахсан қизиқмоқда. Бу эса жамоадаги ёшлар ўртасида турли тўсиқларнинг йўқолиши эса ўзининг натижаларини бера бошлагани эътиборга молик.

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкида ҳам бу борада самарали ишлар қилинаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, жорий йилнинг ўзида Бош қарув раиси Шухрат Атабаевнинг ўзи бир неча бор банкда фаолият олиб бораётган бир гуруҳ ёшлар билан учрашувлар ўтказгани сўзимиз исботи бўла олади.

Бунинг узвий давоми сифатида яқинда "Ипотека-банк" АТИБ Бош-

қарув раисининг биринчи ўринбосари Элёр Иномжонов банкда фаолият юритаётган бир қатор ёшлар билан очик мулоқот ўтказди. Унда Э.Иномжонов сўз олиб, тизимдаги қатор долзарб масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Хусусан, банк тизимига иқтидорли, ўз устида мунтазам ишлайдиган ёшларни жалб қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида йиғилганларга маълумот берди. Шу

билан бирга, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ҳам тўхталиб, дунёда кун сайин жаҳон иқтисодиётининг рақамлашуви молия бозорини жадал ривожланишига туртки бўлаётганини қайд этиб, банк тизимида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш кераклиги ва бунда ёшларнинг ўрни беқиёс эканлигини қўшимча қилди.

Учрашувда ёшларнинг ўз устида ишлаши, изланишларини қўллаб-қувватлаш, меҳнатига яраша рағбатлантириш масалалари бўйича ҳам атрофлича фикр алмашилди. Шунингдек, ўзаро мулоқот давомида ёшлар томонидан соҳани ривожлантиришга оид таклифлар, мулоҳазалар билдирилди. Замонавий банк хизматларини ривожлантириш, масофавий банк хизматларини жорий этиш юзасидан билдирилган ҳар бир таклифлари қўллаб-қувватланди.

Учрашув сўнгида ёшлар билан алоҳида ишлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берилди.

Банк Ахборот хизмати

Реклама



ИПОТЕКА BANK

Assalom Navro'z

Ипотека-банк АТИБ жамоаси


Барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан муборақбод этади. Ушбу байрам ҳаётингизга қувончли хабарлар, фаровонлик, осойишталик бахт ва саодат олиб келсин.

Юртимиз тинч осмонимиз мусаффо бўлсин. Ипотека-банк ҳаммисиз билан!

Имқоният яратамиз!

Хизматлар лицензияланган.

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА СИНОВИ



Реклама

**Жонажон диёримизга барчамиз
орзиқиб кутган, гўзал ва дилбар фасл,
баҳор ва гўзаллик байрами –
Наврўзи олам кириб келмоқда.**

**Ана шу қутлуғ айём – Шарқона янги йил билан
барча юртдошларимизни
Агробанк жамоаси чин юракдан
самимий муборақбод этади.**

**Сиз азизларга,
сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, оилапарингизга
тинчлик-хотиржамлик,
файзу барака ва иқтисодий
фаровонлик тилаймиз!**

www.agrobank.uz
Телефон: 71-203-88-88.

Agrobank Channel
/agrobankuzbekistan

Agrobank Mobile иловасидан юкляб олинг.
Download on the App Store
GET IT ON Google Play

Хизматлар лицензияланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бугун ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Шу маънода жойларда ёшларнинг иқтидорини аниқлаш ва касбга бўлган амалий кўникмаларни ошириш мақсадида турли тадбирлар ўтказилаётир.

Хусусан, Марказий банкнинг Самарқанд вилояти бош бошқармаси томонидан “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойилига амал қилиниб бошланган “Энг иқтидорли ёш банк ходими – 2020” танловининг иккинчи bosқич саралашлари старт берилди. Яқинда банкларнинг ички тизимида ўтказилган дастлабки саралашдан ўтган 120 нафар банк ходимлари тест синовларининг биринчи bosқичини топширишди. Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси ҳамда Самарқанд давлат университети билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ёш банкирлар университетнинг Ахборотлаштириш марказида интернет орқали “онлайн” режимда академиянинг масофавий таълим дастурий манбаларига боғланган ҳолда мантиқий фикрлаш, ечимлар орасидан мақбулини тезкор топиш, интеллектуал салоҳият ва маълумотларни тизимли таҳлил қилиш ҳамда чет тили бўйича саводхонликни баҳолашга қаратилган тестлар тўпламини ечишди.

Гарчи ёшлар танлови бўлса-да, соҳадаги кўплаб устоз ва раҳбарлар ҳам ушбу мусобақада ўз билимларини синаб кўришди. Навбатдаги bosқичда барча иштирокчиларнинг бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар бўйича ҳамда касбий саводхонлиги синовдан ўтказилади. Ҳар иккала bosқичда ҳар бир банкдан энг юқори балларни жамғарган иқтидорли ёшлар финал йўлланмасини кўлга киритишади.

Мухтасар қилиб айтганда, бундай кўрик-танловлар ёшларни ҳар томонлама тоблади, чархлайди. Дарвоқе, ҳақамлар томонидан тез фурсатларда биринчи турдан кейинги тест натижалари ҳам эълон қилинди. Унга кўра, умумжамоа ҳисобида Саноатқурилишбанк биринчилиكنи ушлаб турибди. Кўрамиз кейинги натижалар қандай бўларкан.

Шерзод СУВАНКУЛОВ

2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг яқин кўмакчиси ва молиявий ҳамкорига айланиш банкнинг яна бир асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада тадбиркорлик марказларини ташкил этган ҳолда, уларга молиявий ва юридик маслаҳатлар берилиб, консалтинг хизматлари кўрсатилади, молиявий саводхонлиги оширилади. Шу билан бирга, бизнес-режалар ишлаб чиқишда ёрдам берилади ёки тайёр бизнес-режалар билан таъминланади.

РАҚАМЛИ БАНК ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?



Янги, жозибадор кредит турлари жорий қилинади ва "Скоринг" тизимидан фойдаланган ҳолда кредит ажратиш жараёни тезлаштирилади. Кейинги босқичда мижозларимиз бўлган тадбиркорларнинг мавжуд муаммоларини бартараф этиш ва корпоратив мижозга айланишига кўмаклашиш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга ҳисса қўшилади.

Тадбиркорликни ривожлантиришда давлат дастурларини амалга оширишда "Кредит конвейери" асосида кредитлар ажратилади. Инсон омилини камайтирган ҳолда, онлайн ҳужжатлар қабул қилиш йўлга қўйилади. Айни чоғда "Андеррайтинг" тизими орқали кредит ажратиш муддатлари қисқартирилади.

Корпоратив бизнесни ривожлантиришда индивидуал ёндашув йўлга қўйилади. Бунда 5-10 та корпоратив мижозга биттадан масъул менежер бириктирилади. Мижозларга индивидуал ёндашиш орқали ихтисослаштирилган ва инновацион банк хизмат турлари таклиф қилинади. Уларнинг молиявий ҳолати чуқур ўрганилган ҳолда ўз вақтида зарур молиявий ресурслар билан таъминланади.

Умуман олганда, Халқ банкни трансформация қилишда 4 та устувор йўналиш — чакана хизматларни кенгайтириб, бозорни қамраб олиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, корпоратив бизнесни ривожлантириш, инвестицион фаолиятни ташкил этиш белгилаб олинди.


Айтиш керакки, Халқ банкнинг бошқа банклардан устунлиги мамлакатимизнинг барча ҳудудда филиаллари мавжудлигидир. Мана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда мижозларга кўрсатилаётган янги хизмат ва маҳсулотлар тури кўпайтирилади. Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва трансформация қилишда жаҳоннинг етакчи ташкилотларидан фазначилик, риск, бухгалтерия ва инсон ресурсларини бошқариш (HR) йўналишлари бўйича малакали мутахассислар, консультантлар жалб қилинмоқда.

Жумладан, айни пайтда жаҳоннинг етакчи банкларида трансформация жараёнларини амалга оширган Аҳмед Танвир Халқ банкнинг Ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш департаментида иш бошлади.

Айтиш керакки, ҳозирда дунё молия соҳасида катта тажрибага эга нуфузли мутахассисларни жалб қилиш борасида Халқ банкни фаол музокаралар олиб бормоқда.

Банк Ахборот хизмати

Реклама

 **SANOAT QURILISH BANK**

21
Март

Ўзсанватқурилишбанк жамбаси

Ўзбекистон аҳлини Наврўзи олам билан қутлайди!

Баҳор нафаси, Наврўз шукӯҳи йил давомида ҳамроҳингиз бўлсин!

Хизматлар лицензияланган

“ЎРГАН, САҚЛА, ИШЛАБ ТОП”



Бугунги кунда ёшларни молиявий масалалар, инвестициялар ва тадбиркорликни ўрганишга илҳомлантириш мақсадида шу кунларда барча тижорат банклари томонидан Халқаро пул ҳафталиги доирасида турли тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Маълумки, Халқаро пул ҳафталиги – болалар ва ёшларнинг молиявий жиҳатдан хабардорлигини ошириш бўйича йиллик глобал таълим тадбиридир. Дунё миқёсида ўтказилаётган мазкур ҳафталик молиявий таълимнинг аҳамияти, болаларни молия соҳасига жалб қилиш ҳамда хабардорли-

гини ошириш учун ташкил этилмоқда.

Бу борада АТБ “Микрокредитбанк” ҳам фаол иштирок этиб, болажонларнинг молиявий саводхонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, банк томонидан Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги 13 мактабда

ҳам ҳафталик доирасида “Learn Save Earn”, яъни “Ўрган, сақла, ишлаб топ” шиори остида мазкур тадбирлар ўтказилди.

Тадбир давомида ўқувчиларга жамиятдаги ўз ҳақ-хуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ билган ҳолда пул жамғариш ва уни тўғри йўналтириш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини тўғри йўлга қўйиб олиш борасидаги зарур кўникмалар ўргатилмоқда. Зеро, ёшлиқдан олинган билим келажакка сармоя сифатида ишлайди.

Айниқса, пул топиш ва уни мақсадли ишлатиш ҳамма замонда долзарб бўлиб келган. Хусусан, ёшларни пул сарфи, яъни тақсимотини қай тарзда йўлга қўйишлари келажакда ўзлари учун зарур бўлган масалалардандир. Шу маънода улар вақт ва пул қадрини тушуниб, бу масалага оптимал ечим топиш малакасини ўргатиб бориш муҳим. Бу тадбир ҳам ёшларга рағбат бериш маъносидан ўтказилаётган машғулотлардан биридир.

Шунингдек, мактаб ўқувчилари ўртасида иншоолар танлови ҳам ташкил этилмоқда. Унда ўқувчилар “Қандай ва нима мақсадда пул жамғарамиз”, “Қандай қилиб миллионер бўлиш мумкин” “Банк – 2040: менинг тасаввуримда” мавзуларида иншоолар ёзишди.

Тадбир якунида иштирокчиларга АТБ “Микрокредитбанк” томонидан эсдалик совғалари топширилди. Бу эса уларга айни масалада янада рағбат уйғотди.

Банк Ахборот хизмати

Реклама



МИКРОКРЕДИТБАНК

“МИКРОКРЕДИТБАНК” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

*Ҳамюртларимизни яқинлашиб келаётган
Наврўз байрами билан чин юракдан, самимий
табриклайди!*

*Шундай қувончли кунларда халқимизга узоқ умр,
мустаҳкам соғлик,*

*бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик,
Мустақил Ватанимиз равнақи йўлидаги
самарали меҳнатларингизга улкан
муваффақиятлар тилайди.*

*Янгиланиш, яшариш ва эзгўлик айёми –
Наврўз барчамизга муборак бўлсин!*

www.mikrocreditbank.uz

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ юртимизнинг барқарор ривожланишида ўз ҳиссасини кўшиб келаётган банклардан биридир.



“ЎЗМИЛЛИЙБАНК” ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРМОҚДА

Шу маънода “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ фаолияти билан яқиндан таништириш, ОАВ вакиллари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва банк имижини ошириш мақсадида, яқинда Жиззах вилояти бўйлаб пресс-тур ташкил этилди. Унда иштирок этган ОАВ вакиллари “Ўзмиллийбанк” АЖ Жиззах вилояти филиали фаолияти ҳамда банк томонидан молиялаштирилган лойиҳалар билан яқиндан танишдилар.

Жумладан, ОАВ ходимлари дастлаб, Жиззах вилоятининг Арнасой тумани, Олтин водий қишлоқ фуқа-

ролар йиғинида жойлашган, “Arnasoy Gold Tex” масъулияти чекланган жамият фаолияти билан танишдилар.

Айни дамда мазкур корхона томонидан ип-газлама ҳамда момиқ текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида қиймати 81 млрд. сўм бўлган лойиҳа тақдим этилган. “Ўзмиллийбанк” АЖ Жиззах вилояти томонидан, корхонага ажратилган кредит маблағлари эвазига Хитой давлатидан ип газлама ҳамда момиқ текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи ускуналар сотиб олинган. “Arnasoy Gold Tex” МЧЖ нинг йиллик қуввати эса 6 млн. 800 минг дона текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этади. Бугунги кунда корхонада 653 нафар ходим фаолият юритиб келмоқда.

Шундан сўнг, иштирокчилар “Ўзмиллийбанк” АЖ Жиззах вилоят филиали фаолияти билан танишдилар. Бугунги кунда мазкур филиал томонидан, вилоят марказида жойлашган замонвий, қулай ва инновацион технологияларга эга, янгидан барпо этилган бинода mijozларга замон талабларига кўра тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатилиб келинмоқда. Филиалда mijozларга қулайлик яратиш мақсадида электрон навбат, жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш учун универсал амалиётлар зали, универсал касса хизматлари, валюта айирбошлаш шахобчаси, 24/7 тизимда ишловчи банкоматлар ва инфокиоскалар фаолияти йўлга қўйилган. Бугунги кунда филиал mijozлари сафи ортиб бормоқда. Жумладан, 6,8 минг юридик ва 78,9 минг жисмоний шахслар мазкур филиал mijozи ҳисобланади.

Навбатдаги манзил, вилоятнинг Ш.Рашидов тумани, Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган Россия – Ўзбекистон қўшма корхонаси “AAA COMPANY” масъулияти чекланган жамият бўлди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мазкур корхона томонидан умумий қиймати 13 млрд. сўм бўлган лойиҳа тақдим этилган. “Ўзмиллийбанк” АЖ Жиззах вилоят филиали томонидан ажратилган кредит маблағи эвазига, боулинг маркази ва 3D кинотеатр қурилиб, зарур жиҳозлар харид қилинган. 3D кинотеатр 2 та залдан иборат бўлиб, ҳар бири 50 та томошабинни ўз ичига олади. Бугунги кунда мазкур аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида 45 нафар ходим фаолият юритиб келмоқда. Айни дамда ушбу марказ аҳолининг маданий дам олиш масканига айланмоқда.

Пресс-тур давомида журналистлар соҳа мутасаддиларидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Реклама

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

**АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”
барча юртдошларимизни
Наврўзи олам билан қутлайди.**

Фуратдан фойдаланиб, сизга янги уй олиш учун қулай шартлардаги ипотека кредитларини таклиф этамиз.

**ИПОТЕКА КРЕДИТИ
МУДДАТИ – 15 ЙИЛ**

Кредит фоизлари:
Қишлоқ жойларда – 20 %
Шаҳар жойларда – 21 %
Тошкент шаҳрида – 22 %

“Қишлоқ қурилиш банк” – фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.qqb.uz

qqbnews

@qqbank

official.qqb.uz



+998 78 150-93-39

Хизматлар лицензияланган

Ўз мухбиримиз



AGROBANK

**“АГРОБАНК” АТБ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

**БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МИЛЛИЙ
БАЙРАМИМИЗ – НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН
САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.
ҲАМИША ЮРТИМИЗ ТИНЧ ВА ОСУДА,
ДАСТУРХОНЛАРИМИЗ ТЎКИН, ОСМОНИМИЗ
МУСАФФО БЎЛИШИНИ ТИЛАБ ҚОЛАДИ!**





АТБ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” САМАРҚАНД МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



НАВРЎ БАЙРАМИ БИЛАН БАРЧА
ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ ҚУТЛАЙДИ.
НАВРЎ ШОДИЁНАЛАРИ ЙИЛ БЎЙИ СИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН.
ЮРТИМИЗ МАНА ШУНДАЙ ГУЛЛАБ-ЯШНАЙВЕРСИН!

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” АТБ
ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ
“БАРАКА”

МУДДАТЛИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ОМОНАТНИНГ МУДДАТИ 1–3 ОЙГА ЙИЛЛИК СТАВКАСИ – 17%,


ОМОНАТНИНГ МУДДАТИ 4–6 ОЙГА ЙИЛЛИК – 18%,

ОМОНАТНИНГ МУДДАТИ 7–9 ОЙГА ЙИЛЛИК – 19%,

ОМОНАТНИНГ МУДДАТИ 10–12 ОЙГА ЙИЛЛИК 21%

ОМОНАТГА ҲИСОБЛАНГАН МАБЛАҒЛАР ҲАР ОЙДА НАҚД ПУЛДА ЁКИ
НАҚД ПУЛСИЗ ШАКЛДА ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ.

www.qqb.uz



qqbnews



@qqbank



official.qqb.uz



+998 78 150-93-39

Хизматлар лицензияланган




АЛОҚАБАНК

**АТ "АЛОҚАБАНК"
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**

**МЕҲРИ ДАРЁ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
НАВРЎ БАЙРАМИ БИЛАН ЧИН
ҚАЛБДАН ТАБРИКЛАЙДИ.**

**ЮРТИМИЗГА ЎЗГАЧА ГЎЗАЛЛИК, ТАРОВАТ ВА
КЎТАРИНКИЛИК БИЛАН КИРИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎ
АЙЁМИ БАРЧАМИЗГА ҚУТЛУФ БЎЛСИН!**





**Акциядорлик тижорат
Халқ банки Самарқанд вилояти
филиали жамоаси
барча юртдошларимизни
шарқона янги йилнинг бошланиши,
табиат уйғонишининг рамзи,
асл миллий, энг ардоқли байрам**

Наврўзи олам

**билан чин юракдан муборакбод этади.
Наврўз ҳаётимизга сокинлик,
оиламизга фаровонлик,
дастурхонимизга қут-барака
олиб келсин!**



“АСАКА” АТБ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН
ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ
БАЙРАМИ - НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН МУБОРАКБОД
ЭТАДИ! ЗАМИНИМИЗДАН ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК,
ХОНАДОНЛАРИМИЗДАН ФАЙЗ,
ДАСТУРХОНИМИЗДАН ҚУТ-БАРАКА АРИМАСИН!*



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛМАЛИҚ
ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ
ДАДАМУРОД БАРАТОВ РАҲБАРЛИК ҚИЛАЁТГАН
“NURIZAM SERVIS” МЧЖ
ЖАМОАСИ



ХАЛҚИМИЗНИ
ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ
АЙЁМИ – НАВРЎЗИ
ОЛАМ БИЛАН
ҚУТЛАЙДИ.
БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ
ДОИМО ҲАМРОҲИНГИЗ
БЎЛСИН АЗИЗЛАР!



**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛМАЛИҚ
ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ
ЗАФАР АДИЛОВ РАҲБАРЛИК ҚИЛАЁТГАН
“ОЛМАЛИҚ ЗАҒАР ПЛАСТ” МЧЖ
ЖАМОАСИ**

Барча юртдошларимизни
Наврўз байрами билан муборакбод этади.
Наврўз ҳаётингизга баҳорий гўзаллик, хуш
кайфият ва улкан муваффақиятлар олиб келсин.
Хонадонингиздан бахт-омад, файзу барака,
қувончу шодлик аримасин!



30
ЙИЛ
сиз билан бирга!

**TURON
BANK**

Барқарорлик белгиси!

«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон халқимизни баҳор ва янгилашни байрами Наврўз айёми билан муборакбод этади!

«Туронбанк» АТБ юртдошларимизга миллий валютадаги

«Жавоҳир»

муддатли омонат турини таклиф этади




Омонатнинг йиллик фоиз ставкаси – 21%-23%


Омонат муддати – 12-36 ой

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Шунингдек «Туронбанк» АТБ Сизга миллий ва хорижий валюталарда жозибадор шартларда муддатли, жамғарма ва онлайн (MyTuron иловаси орқали) омонатларини таклиф этади.

www.turonbank.uz

 turonbank  turonbankuz  turonbank

 **99895 144-60-00**

Хизматлар лицензияланган

БОДОМ

(Банкдаги беку
бекаларга бади)



Бойқишлоқнинг боғидаги бодомлар бунчалар бедор?! Бунчалар барвақт безандилар Бойқишлоқнинг бодомлари?! Билмадим, билганим:

Бодом – Баҳорнинг ботиний бамдоди,
Бодом – Баҳорнинг биринчи битиги.
Бодом бошқа биродарларидан барвақтроқ бўйлайди:
Бодом – Баҳорнинг ботири, баҳодири,
Бодом – Баҳорнинг бедори, бунёди.
Бодомнинг безаниши бошқача, беқиёс:
Бодом – Баҳорнинг боли, балдоғи,
Бодом – Баҳорнинг байти, баёти.
Бодомнинг бемисл баракоти бўлачқа:
Бодом – Баҳорнинг байрами, байроғи,
Бодом – Баҳорнинг бойи, бозори.
Бодом барча бандасига берилган башорат – баҳс бекор!
Бодом – Баҳорнинг бобосиё боласи,
Бодом – Баҳорнинг бурунию бугуни.
Бойқишлоқнинг боғидаги бодомлар бунчалар бедор?! Бунчалар барвақт безандилар Бойқишлоқнинг бодомлари?! Билмадим, билганим:
Бўлди, бас! Баҳо бериш бизгамас!
Билганиму билмаганимнинг бори буди – бу!
Бодом биттагина Бойқишлоқнингмас, балки борлиқнинг БОҒИ, БАҲОРИ!

Темур БЕК

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ - ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР

**ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ**
Ўктам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Ахборот кўмағи
ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ
www.finance.uz

Тахририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ
Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да зълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тахрир қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кўни чиқади. Буюртма № г 0375 А-1635 Нархи шартнома асосида. Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 17.03.2020 й., 1 2 3 4 5 6